

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР
12 СОН, 3 ЖИЛД

ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
НОМЕР 12, ВЫПУСК 3

INNOVATIONS IN ECONOMY
VOLUME 12, ISSUE 3



МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


- 1. Nuraliev Shokhrukh Shavkat o'g'li**
ADMINISTRATIVE DECENTRALIZATION
TOWARDS EMPOWERING LOCAL GOVERNMENTS
TO ATTRACT FOREIGN DIRECT INVESTMENTS.....4
- 2. O'razaliyev Javlonbek O'rinboyevich**
O'ZBEKISTONDA IJTIMOIIY SOHANI MODERNIZATSIYALASHDA
YAPONIYA MENEJMENT USULLARIDAN SAMARALI FOYDALANISH.....15
- 3. Рустамова Саодат Шухратовна**
ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....21
- 4. Эгамбердиева Малика Одил кизи**
РОЛЬ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ В ПОВЫШЕНИИ
МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ЭКОНОМИКИ.....27
- 5. Тагаев Бехзад Анварович**
ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА.....33
- 6. Абдурасулов Шовкидин Эркин ўғли**
ТУРИСТИК ДИСТИНАЦИЯ ТУШУНЧАЛАРИ МОҲИЯТИ ҲАМДА
УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....45
- 7. Xolbozorov Quvonchbek Xudoyberdi o'g'li, Akbarov Sayitali Asqarovich**
IQTISODIY MASALALARNI "GEOGEBRA" DASTURI
YORDAMIDA HAL QILISH USULLARI.....51
- 8. Тошбоев Бекзод Бахтиярович**
ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА АСОСЛАНГАН САНОАТ
СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....59
- 9. Юлдашев Азиз Байназарович**
ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ
ЖАЛЬ ҚИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ АСОСЛАРИ.....76
- 10. Хусанова Гулчехра Сайфуллаевна**
ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА
ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ
ВА ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ
(Наманган вилояти мисолида).....83
- 11. Bekmurodova Feruza Azamat qizi**
"MOVIY OKEAN STRATEGIYASINING" JAHON
BOZORIDAGI RAQOBATDAGI O'RNI.....90
- 12. Файзуллаева Сарвиноз Холмуратовна**
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИ
ВА АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....96

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Хусанова Гулчехра Сайфуллаевна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
катта ўқитувчиси

ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҚЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ (Наманган вилояти мисолида)

For citation: Khusanova Gulchekhra Sayfullaevna. MODERNIZATION AND DIVERSIFICATION OF REGIONAL ECONOMICS AND INCREASE OF INVESTMENT POTENTIAL. Journal of innovations in economy. 2020. Vol. 12, Issue 3. pp.83-89

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-12-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Наманган вилояти иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш қўламини кенгайтириш ва инвестицион салоҳиятни ошириш бўйича таҳлиллар берилган. Шунингдек, мақолада вилоят макроиқтисодий кўрсаткичлар, таҳлил ва тадқиқот натижалари бўйича хулоса ва таклифлар киритилган.

Калит сўзлар: Модернизация, диверсификация, инвестиция, ЯҲМ, ЯИМ, макроиқтисодий кўрсаткич, бюджет, даромад, ихтисослашув, комплекс, мажмуа, минтақа, ишлаб чиқариш, инфратузилма.

Хусанова Гулчехра Сайфуллаевна
Старший преподаватель
кафедры «Экономики Отрасли»

МОДЕРНИЗАЦИЯ И ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ЭКОНОМИКА РЕГИОНОВ И ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА

(На примере Наманганской области)

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются диверсификация, модернизация и инвестиционный потенциал экономики Наманганской области. А также, в статье представлено основные макроэкономические показатели и анализ Наманганской области, даны выводы и рекомендации по результатам исследования.

Ключевые слова: Диверсификация, модернизация, инвестиция, ВВП, ВРП, макроэкономический показатель, бюджет, прибыль, комплекс, регион, производство, инфраструктура.

Khusanova Gulchekhra Sayfullaevna
Senior Lecturer of the department
"Industry Economics"

MODERNIZATION AND DIVERSIFICATION OF REGIONAL ECONOMICS AND INCREASE OF INVESTMENT POTENTIAL

(On the example Namangan region)

ABSTRACT

The article analyses the diversification, modernization and investment potential of the economy of Namangan region. And also the article presents the main macroeconomic indicator and analysis of the Namangan region, gives conclusions and recommendations on the results of the research.

Keywords: Diversification, modernization, investment, Specialization, Complexity, Mass, Region, Employment, Infrastructure.

Кириш

Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, ҳозирги даврдаги тараққиётда эришаётган ютуқларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев куйидагича таърифлайди: “Наманган вилояти юртимизнинг тез ва илдам тараққий этиб бораётган ўлкаларидан бири саналади.¹ Дарҳақиқат, кейинги йилларда Наманган вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили 1650 дан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 15731 тага, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 80,2 фоизга, саноатдаги улуши 61,9 фоизга етди. Ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 2019 йилнинг январь-март ойлари давомида 95 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси

Мавзу иқтисодчи ва иқтисодчи-географ олимларининг илмий ишларида кўриб чиқилган. Жумладан, Наманган минтақасини О.Абдуллаев, О.О.Олижанов томонидан ўрганилган.

Тадқиқот усуллари

Мақолада статистик гуруҳлаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушини таҳлил қилинганда соҳанинг саноат соҳасидаги улуши 79,1 %ни, қишлоқ хўжалигидаги улуши 99,5 %, қурилиш ишларида 100,0%, чакана савдода 94,2%, пуллик хизматда 65,0 %ни ташкил этди.

Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, ҳозирги даврдаги тараққиётда эришаётган ютуқларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев куйидагича таърифлайди: “Наманган вилояти юртимизнинг тез ва илдам тараққий этиб бораётган ўлкаларидан бири саналади. Буни куйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин: охириги 5 йилда вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ошди, 375 мингта янги ши ўринлари яратилди, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 92 фоизи иш билан таъминланди, 19 километрлик Қамчиқ довони орқали ўтган ноёб Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўли фойдаланишга топширилди...”.

Наманганда яқин 5 йил давомида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича умумий қиймати 2,4 трлн. сўмлик 828 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланган. Енгил, чарм-пойабзал ва фармацевтика тармоқларида 1,56 трлн. сўм миқдоридаги сармоя ўзлаштирилиб жами 353 та инвестиция лойиҳаси жорий этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан Учқўрғон туманида бўлган 2016 йил 2 ноябрдаги сайловолди

учрашувида “тадбиркор Бахтиёр Умаров раҳбарлигидаги «Истиклол» дизайн маркази фаолияти алоҳида таҳсинга сазовордир” деб таъкидлаб ўтди. Вилоятнинг «Истиклол» дизайн маркази, “Имрон текстил груп” корхонаси ҳамда бошқа қатор энгил саноат корхоналари раҳбарлари билан ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган учрашувларда “Наманган костюмлари” бренди асосида энгил саноат корхоналарининг кластерини ташкил этиш ва вилоят корхоналарининг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда хулосалар шакллантирилди. Ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларни истиқболда амалиётга татбиқ этиш учун аввало, вилоят ҳокимияти вакиллари ва тадбиркорлари иштирокида илмий-амалий семинар ташкил этиш ҳамда экспортни ҳар томонлама рағбатлантиришда кластер усулининг моҳияти ва афзалликларини тадбиркорларга тушунтириб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Вилоят ЯХМнинг жорий таркибий тузилмасидан кўриш мумкинки, охириги 10 йилда хизматлар соҳаси барқарор ўзгаришсиз тенденцияни қайд этиб келмоқда. Хусусан, 2008 йилда вилоят ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 47,7 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йил якунида 49,4 фоизга тенг бўлди.

Шундан Наманган шаҳрида 857,9 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 107,7 фоиз), Тўрақўрғон туманида 88,4 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 107,2 фоиз), Наманган туманида 171,4 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 125,8 фоиз), Поп туманида 117,2 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 108,1), Учқўрғон туманида 181,8 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 100,6 фоиз), Янгиқўрғон туманида 142,1 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 133,3 фоиз) маҳсулот ишлаб чиқарилган. 2016 йилда вилоятда 3475,7 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб бу рақам 2015 йилга нисбатан 113 фоизни ташкил этади ва Наманган шаҳрида 1715,9 млрд. сўмлик, Наманган туманида 309,8 млрд. сўмлик, Поп туманида 150,9 млрд. сўмлик, Янгиқўрғон туманида 248,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Мазкур ҳудудларнинг саноатлашув даражасининг юқорилиги, инфраструктура имкониятларининг кенглиги, тадбиркорлик салоҳиятининг юқорилиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бошқа ҳудудларга нисбатан ошишига сабаб бўлмоқда. Мингбулоқ, Чортоқ, Норин туманларида ишлаб чиқариш ҳажмининг бошқа туманларга қараганда пастлиги бу туманларда саноатлашув даражасининг юқори эмаслигидан, ноишлаб чиқариш соҳаларининг кўпроқ ривожланганлигидан дарак беради.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолатини барча ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларида ижобий суръатлар билан ривожланаётган барқарор соҳа сифатида баҳолаш мумкин. Минтақада аҳолининг тарихий шаклланган урф-одат ва анъаналари, меҳнатсеварлиги, оғир-вазминлиги, уюшқоклиги, мантиқий фикр юритиши, янгиликларга мойиллиги ва бошқа фазилатлари туфайли ўзига хос тадбиркорлик салоҳияти мавжуд. Вилоят аҳолиси ўзининг ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги билан бошқа қўшни ҳудудлар аҳолисидан ажралиб туради ва бу минтақанинг асосий рақобат устунликларидан бири ҳисобланади.

1-жадвал

Наманган вилоятида маҳаллийлаштириш дастури бўйича давлат дастури лойиҳалари ва уларда инвестицияларни ўзлаштирилиши [2]

Кўрсаткичлар	2009 йил.	2010 йил.	2011 йил.	2012 йил.	2013 йил.	2014 йил.	2015 йил.	2016 йил.	2018 йил.	2019 йил.
Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми,	1635,1	2390,9	3096,7	4340,5	5726,8	6928,5	8675,1	11798,9	4007,5	6145,83

<i>млрд сумм</i>										
Наманган вилояти	7,5	4,5	4,6	15,9	73,9	109,0	129,3	160,8	52,8	83,6
<i>Наманган ш. Поп Учқўрғон</i>	1,2	1,3	3,7	8,9	57,5	82,7	103,0	130,0	11,2	38,3
<i>Чуст</i>	0,1	0,1	0,1	0,3	0,3	1,3	1,3	1,627		

Юқоридаги жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, бугунги кунда Наманган вилоятида маҳаллийлаштириш дастури бўйича давлат дастури лойihalари ва уларда инвестицияларни ўзлаштирилиши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш хажми охириги 10 йил давомида қарийб 5 баробарга ошган, яъни 6145.83 млрд сўмни ташкил қилган.

2-жадвал


Маҳсулот ишлаб чиқариш хажми (худудлар кесимида) [1]

Кўрсаткичлар 2013 й. 2014 й. 2015 й. 2016 й. 2017 й. 2018 й. 2019 й.

	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %	млрд. сўм.	ўсиш суръати, %
<i>Наманган вилояти</i>	947,0	121,2	1358,1	116,6	1615,6	111,7	1892,1	110,1	2315,2	114,0	2861,8	114,4	3475,7	113,0
<i>Наманган ш.</i>	346,6	131,7	609,9	114,8	703,1	108,3	857,9	107,7	1047,8	111,7	1370,7	114,7	1715,9	116,8
<i>Мингбулоқ</i>	40,7	111,8	33,9	100,2	43,5	136,2	51,2	106,3	68,7	116,7	74,5	110,2	86,8	104,5
<i>Косонсой</i>	40,5	114,4	40,3	122,8	39,5	108,0	46,6	115,2	59,9	108,6	96,4	125,1	126,1	126,0
<i>Наманган</i>	66,0	117,7	101,9	129,9	140,5	141,5	171,4	125,8	204,8	108,0	227,4	115,2	309,8	124,9
<i>Норин</i>	38,7	111,5	36,2	106,6	57,1	151,0	80,8	138,0	68,1	81,3	82,1	113,4	94,8	107,8
<i>Поп</i>	69,9	105,4	95,9	120,0	117,9	117,6	117,2	108,1	123,1	100,1	138,0	104,8	150,9	100,9
<i>Турақўрғон</i>	58,5	122,0	56,8	104,3	76,7	104,7	88,4	107,2	174,9	175,4	179,0	108,8	210,4	110,7
<i>Янгиқўрғон</i>	61,6	129,0	95,1	140,7	107,8	117,9	142,1	133,3	171,6	126,6	193,9	118,9	248,7	121,3
<i>Учқўрғон</i>	125,3	121,9	170,8	110,9	190,2	110,3	181,8	100,6	195,8	106,8	216,5	113,7	244,5	100,8
<i>Чортоқ</i>	24,9	114,8	18,3	133,3	26,4	155,7	25,2	95,7	34,7	128,1	66,7	116,3	82,2	108,4


Чуст	47,5	132,9	60,8	115,5	69,2	110,2	82,5	113,3	94,2	84,9	105,4	104,1	128,9	124,9
Янгиқўрган	26,8	118,9	38,2	105,0	43,5	121,4	46,9	121,0	71,7	143,8	111,1	133,1	76,8	62,9

Вилоятда 2019 йил 1 январ ҳолатига жами 16524 та кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликларисиз) рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 105,0 фоизга ортди. Хусусан бу кўрсаткич 2010 йилда 11872 тани ташкил этган бўлиб, 2016 йилда 15731 тага етган. Яъни 2016 йилда 2010 йилга нисбатан 32,5 фоизга, 2015 йилга нисбатан 4,0 фоизга кўпайган. Шунингдек, ҳудудлар бўйича қарайдиган бўлсак, 2016 йил якунларига кўра энг юқори кўрсаткичлар Наманган шаҳри (6341 та), Наманган (1275 та) ва Чуст туманларида (1318 та) юқори ўринларда туради. Хусусан, биргина Наманган шаҳри 2017 йил 1-ярим йиллигида Наманган вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтиши бўйича 42 фоиздан кўпроқни ташкил этади.



1-расм. 2019 йилда Наманган вилоятида ҳудудлар бўйича рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони[3]

Бу эса наманган вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар рўйхатдан ўтганлар сони бўйича ҳудудлар миқёсида нотенг ҳолат мавжуд эканлигини англатади.



2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республика ЯИМдаги солиштирма салмоғи, фоизда [4]

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республика ЯИМдаги солиштирма салмоғи бўйича тенденция ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, 2016 йилда 80,3

фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 80,2 фоизни, 2010 йилда 76 фоизни, 2006 йилда 57,5 фоизга тенг бўлган. Шунингдек, 2016 йилга нисбатан олганда 2005 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг республика ЯИМдаги солиштира салмоғи 35,1 фоизга кам бўлган эди.

Шунингдек, вилоятда йиллар давомида иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 2015-2016 йилларда ўзгарувчан хусусиятга эга бўлди. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2016 йилда вилоят ЯХМининг 80,3 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хиссасига тўғри келди, 2015 йилда 2016 йилга нисбатан эса 0,1 фоиз (80,2 фоиз) паст эди. 2019 йилда Наманган вилоятида иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 60,6 фоизни ташкил этган. Туманлар орасида иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши энг юқори бўлган туманлар 2019 йил маълумотларига кўра 99,1 фоиз улуш билан Наманган тумани, ундан кейинги ўринда Поп, Учқўрғон, Уйчилардир.

Шунингдек, туманлар миқёсида кўрадиган бўлсак, 2016 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида 69,5 %и (2015 йилда – 62,0 %), қишлоқ хўжалигида 99,0 %и (2015 йилда – 99,2 %), қурилиш соҳасида 95,1%и (2015 йилда – 94,6 %), савдо ҳамда пуллик хизматлар тармоғида эса 60,6 %и (2015 йилда – 56,4 %) шу соҳа хиссасига тўғри келмоқда.

3-жадвал

Наманган вилояти иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши[5]

	Саноат		Қишлоқ хўжалиги		Қурилиш		Савдо		Пуллик хизмат	
	2018й	2019й	2018й	2019й	2018й	2019й	2018й	2019й	2018й	2019й
Наманган вилоятида, жами:	62,0	69,4	99,2	99,0	94,6	95,1	92,6	92,3	56,4	60,6
Наманганшахри:	62,4	74,1	99,0	99,0	87,7	87,8	90,5	100,0	46,7	49,4
Мингбулоқ	29,2	37,4	99,4	99,6	88,3	95,0	90,3	90,4	84,0	98,5
Косонсой	78,9	84,6	98,1	98,1	98,5	98,7	99,8	99,5	79,3	90,8
Наманган	79,9	80,4	98,6	98,5	100,0	100,0	99,8	99,6	89,7	99,1
Норин	61,3	63,1	99,1	99,0	100,0	100,0	95,2	92,4	81,0	93,1
Поп	39,7	41,2	99,6	99,2	80,4	82,2	97,4	96,3	86,9	98,7
Тўрақўрғон	53,8	54,2	99,2	99,5	98,2	97,6	93,5	92,3	81,7	94,5
Уйчи	76,7	80,8	98,5	98,5	95,5	98,8	89,5	86,4	85,1	98,1
Учқўрғон	27,8	24,5	96,5	96,5	97,4	96,7	99,8	99,3	66,8	98,4
Чортоқ	96,3	96,6	99,1	99,0	98,6	98,4	93,0	88,8	68,5	76,6
Чуст	64,2	76,7	99,7	99,6	98,0	97,3	99,9	99,8	87,5	97,6
Янгиқўрғон	86,3	99,7	99,4	99,4	97,3	98,9	86,5	84,2	85,4	97,8

Туманлар миқёсида қарайдиган бўлсак, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Наманган шахри (99,0 фоиз), Косонсой (84,6 фоиз), Наманган (80,4 фоиз), Уйчи (80,8 фоиз), Чортоқ (96,6 фоиз), Янгиқўрғон (76,7 фоиз), Чуст (99,7 фоиз) туманларида тармоқ улуши юқори ҳисобланади. Шунингдек, савдо, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида 90 % дан юқори бўлган кўрсаткичга эга. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қишлоқ хўжалигида шу соҳанинг улуши 98,0 дан юқори, қурилиш тармоғида ўртача ҳисобда 90 фоиздан, савдо соҳасида 93,0 дан юқори бўлиб, бу кўрсаткич бўйича саноат, пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси энг паст кўрсаткичларга эга ҳисобланади. Шу тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши мос равишда 60 ва 65 фоизни ташкил этди.

Хулоса ва таклифлар

Ўрганилган тахлилий маълумот натижаларига асосан қуйидаги хулосага келинди:

- вилоятнинг асосий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар кичик корхоналар бўлганлиги сабатли уларнинг экспорт қилиш кўникмалари шаклланмаётганлиги;
- экспорт қилишда логистик тизимнинг мукамал эмаслиги;
- хорижий кўшма корхоналар фаолиятини йўлга қўйилиши ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш даражасининг республикани бошқа вилоятларига нисбатан паст эканлиги;

Қуйидагилар таклиф этилади:

- кичик бизнес субъектларининг бозор фаолиятларини тўла ва чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш;
- Кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти ривожланишига таъсир этувчи хомашё, технологик жихозлар ва мутахассислар таъминоти билан боғлиқ бўлган омиллар аниқлаш ҳамда уларни тизимли равишда таҳлил қилиб бориш механизмларини яратиш;
- Кичик бизнес субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш орқали дунё бозорларига чиқиш стратегияларини ишлаб чиқиш;
- кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг рекламаси ва сотиш усулларини такомиллаштириш;

Иқтибослар/Сноски/References


1. M.Armstrong, J.Taylor. Regional economics and policy. 3 edition. WilleyBlackwell publisher, 2010- 448 p
2. Ведяпина В.Н. Региональная экономика. под ред. - М.: «ИНФРА», 2008. – 510 стр.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг 5та устувор йўналишлари тўғрисидаги ХАракатлар стратегияси”, 07.02.2017 й., №ПҚ-4947. / www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан Учқўرғон туманида бўлган 2016 йил 2 ноябрдаги сайловолди учрашувидаги нутқи.

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

Bekmurodova Feruza Azamat qizi
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti Magistranti

"MOVIY OKEAN STRATEGIYASINING" JAHON BOZORIDAGI RAQOBATDAGI O'RNI

For citation: Bekmurodova Feruza Azamat qizi. ROLE OF THE "BLUE OCEAN STRATEGY" IN THE WORLDWIDE MARKET COMPETITION. Journal of innovations in economy. 2020. Vol. 12, Issue 3. pp.90-95

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-12-11>

ANNOTATSIYA

Rivojlanayotgan iqtisodiyotda marketing strategiyalari kompaniyalarning bozor raqobatida muhim rol o'ynaydi. Tezisdagi kompaniyalarning global bozorga chiqish yoki mahalliy mavjud bozorda omon qolish yo'lidagi kurashlari, to'g'ri bozor segmentini tanlash, tovarlarni ishlab chiqarish va mukammal xizmat ko'rsatishdan boshlanib, odamlar sizning xizmatigizdan yana foydalanishi mumkinligi ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: marketing strategiyasi, kompaniyalarning mavqei, maqsadli bozor, raqobat, raqobatchilar, foyda, iste'molchilar, "raqiblar urushi", narx, ko'k okean strategiyasi, qirmizi okean, strategik kanvas, qiymat innovatsiyasi, klassik raqobat, qiymat zanjiri, yangi bozor.

Бекмуродова Феруза Азамат кизи
Магистрант Университета мировой экономики и дипломатии

РОЛЬ «СТРАТЕГИИ ГОЛУБОГО ОКЕАНА» В МИРОВОЙ РЫНОЧНОЙ КОНКУРЕНЦИИ

АННОТАЦИИ

В развивающейся экономике маркетинговые стратегии играют роль в рыночной конкуренции компаний. Тезис пытается указать на борьбу компаний на пути выхода на глобальный рынок или выживания на существующем местном рынке, начиная с выбора подходящего рыночного сегмента, производства товаров и безупречного обслуживания, что может заставить людей снова использовать ваши услуги.

Ключевые слова: маркетинговая стратегия, положение компании, целевой рынок, конкуренция, конкуренты, прибыль, потребители, «война соперников», цена, стратегия голубого океана, алый океан, стратегическая канва, ценностные инновации, классическая конкуренция, цепочка создания стоимости, новые рынок.